

Қосимова Сарвиноз – ТошДШИ,
PhD, Катта ўқитувчи

АРАБ ТИЛШУНОСЛИГИ АНЬАНАЛАРИ

Аннотация. Мазкур мақолада араб тилишунослигининг шаклланиши даври ва бу даврда араб тили назариясининг тез суръатда мукаммал даражага келиши омиллари ҳамда араб ва араб бўлмаган олимларнинг бу жараёндаги фаолиятлари таҳлил этилади. Шунингдек, мовароуннаҳрлик тилишуносларнинг араб тили назарияси ривожидаги ўрни эътироф этилади.

Таянч сўз ва иборалар: араб тили, нахв, сарф, жумла, грамматика, қироат.

Аннотация. Данная статья посвящена анализу формирования теории арабской грамматики и усовершенствованию её в очень короткий срок. Наряду с этим, отмечается роль арабских и не арабских лингвистов в этом процессе.

Опорные слова и выражения: арабский язык, нахв, сарф, предложение, грамматика, выразительность.

Abstract. The article investigates formation the theory of Arabic grammar and its perfection in short period of time. Also, it mentions the role of Arabic and nonarabic linguists in this process.

Keywords and expressions: Arabic language, navh, sarf, sentence, grammar, expressiveness.

Араб тили бўйича Исҳоқ Исфароинийнинг (ваф. 418 хижрий йил) фикрига кўра, Аллоҳ инсонларга бир-бирларини тушунишларига етарли даражада маълумот берди, қолгани эса инсонларнинг ўзаро келишуви асосида содир бўлди¹.

Араб тилшунослигининг шаклланиши ва тез суръатда юксак ривож топишига тарихий шарт-шароитлар сабаб бўлган. 632 йилда тузилган араб халифалигида табиий ва гуманитар фанлар ривожи билан бир қаторда халифалар араб тилшунослик масалаларига катта эътибор беришган. Араб тилининг соғлигини сақлаш давлатнинг муҳим масалалари қаторида кўрилган.

Талаффуз, имло, синтаксис, морфология, сўз ясаш, шеър вазнлари ва қоғияси каби бўлимларнинг назарий ва амалий тавсифини қамраб олган ва эрта шаклланган араб филологияси қўлёзмаларнинг ёзиши сифатини назорат қилувчи восита эди.

Араб тилшунослари синтаксис, морфология ва фонетика масалаларини мукаммал ишлаб чиққанлар. Бу амалиёт жуда қисқа вақт мобайнида содир бўлганлиги

¹ Гиргас В. Ф. Очеркъ грамматической системы арабовъ. – СПб., 1873. – С. 32.

сабабли арабларнинг бундай мұваффақиятига нисбатан ўзга маданият вакиллари турли фикрлар билдирганлар. Аммо шунга қарамасдан, араб тилшунослигининг пайдо бўлиш тарихига оид масала ҳозирги даврга қадар мукаммал даражада тадқиқ этилмаган. Ўша даврнинг қандай анъаналари арабларга таъсир этгани борасида кўплаб ихтилофлар мавжуд². Гиргаснинг фикрига кўра, араб тили грамматикасини бу қадар тез суръатда ишлаб чиқиш мусулмонларнинг Қуръон матнини тўғри ифодалашга бўлган интилиши билан боғлиқдир³.

К. Брокельман, И. Лихтенштедтер, Адам Мецларнинг тахминига кўра, араблар ўз грамматикасини Аристотелнинг “Мантиқ” асарига таяниб яратгандар⁴. Бунга далил сифатида араб грамматикасидаги асосий грамматик категориялар – исм, феъл ва ҳарф тушунчалари юононларнинг “Мантиқ” асаридаги тушунчаларга ўхшашлигини мисол қилиб келтирадилар.

Немис олимни К. Фоллерс эса арабларнинг грамматикаси ҳиндларнинг Панини грамматикасига ўхшаш тузилган, деган фикрни илгари суради.

Араб олимлари ва М. Бравман, А. Крамер, Э. Ренан каби европалик олимлар араб тили грамматикаси автохтон тарзда, яъни ташқи таъсирсиз тузилган, деб таъкидлашади.

Бироқ бу масалани ҳал этишда энг муҳим омилга эътибор бериш керак, яъни ислом давлати пайдо бўлган асрданоқ босқинчиликни бошлаган араблар ҳинд ва юонон илмидан хабардор ўта маданиятли юртларни эгаллаб, бу заминда яратилган илмий базадан араб тилшунослигини шакллантиришда ва ривожлантиришда фойдаланганлар. Шунингдек, “VIII аср ўрталаридан бошлаб юонон, форс ва сурия тилларидан кўплаб таржималар амалга оширилган”⁵. Осиё, Африка ва Европа ҳалқлари томонидан тўпланган илмий изланишлардан араб тилшунослигининг шаклланишида фойдаланилган бўлса-да, аммо тўғридан-тўғри ўзлашмага йўл қўйилмаган. Арабларнинг мустақил ҳолда ишлаб чиқсан грамматик тизими бўлган.

Араб тилшунослиги назарияси VII–VIII асрларда араб тили нормалари борасида ихтилофларга эга Басра ва Куфа, кейинчалик, Бағдод ва Андалусия ҳамда Миср-Сурия филология мактабларида ўрганилган ва ривожлантирилган. Юқорида қайд этилган мактаблар Басра ва Куфа мактаблари назарияларига таянганлар, шу сабабли улар ўзига хос тамойил билан ажралиб турмасди.

Куфа мактаб вакиллари басралиқ тилшуносларга нисбатан грамматикада истисно ва эркинликларга йўл қўйганлар. Басралиқ тилшунослар грамматик қонун-қоидаларга қатъий риоя қилганлар. Ушбу ёндашув учун уларни аналогчилар,

² Қаранг: Носирова М. Тилшунослик билимлари тарихи. – Т.: Семурғ медиа, 2011. 17-б.

³ Там же. – С. 2.

⁴ Звегенцев В. А. История арабского языка. – М., 1958. – С. 18.

⁵ Орешкова, 1980. – С. 140.

куфаликларни эса аналитиклар (таҳлил этувчилик) деб аташган⁶. Шу сабабли ҳам улардан кейинги тилшунослар кўпроқ басраликларнинг назарияларига таянганлар. Шуни таъкидлаш жоизки, бу икки мактаб вакилларининг турдош сўзларнинг келиб чиқиши борасидаги фикрлари ҳам ихтилофли бўлган. Басраликлар сўз шакллари иш-ҳаракат номидан ясалади деб, куфаликлар эса сўзларнинг янги шакллари ўтган замон феълидан ясалади, деб таъкидлашган.

Мазкур икки мактаб вакиллари ўртасидаги ихтилофлар араб тили тизимиға эмас, балки гап таркибидаги бошқарувчи сўзларларнинг ўрни ҳамда сўз таркиби ва унинг келиб чиқиши билан боғлиқдир⁷.

Араб тили грамматикасини тузишга дастлаб VII асрда қўл урган олим Абу Асвад Дували бўлиб, у исм, феъл ва юкламалар каби сўз туркумларини ажратган. Аммо унинг фаолияти оғзаки тарзда бўлганлиги сабабли, биронта асари бизга қадар етиб келмаган⁸. Ушбу олим сўз ўзгариши учун хизмат қила-диган унли фонемаларни ифодалашда қўлланиладиган қўшимча график белгиларни ишлаб чиқкан.

Кейинчалик тилшунослик масалалари Бағдоднинг диққат марказида бўлди ва бу ерда 762 йили тилшунослик мактаби ўз фаолиятини бошлади. Бағдодликлар аввал куфалик, кейин басраликлар таълимотига эргашганлар. Бунинг оқибатида эклектик (уйғунлашган) йўналишга асос солинди. Бағдод тилшунослари таълим жараёнида грамматикани ихчам ва лўнда ифодалаш усулига интилганлар.

Ўрта асрларда вужудга келган араб тилшунослиги янги анъана ҳисобланаб, унинг янгилиги “араб тили структурасига тўлиқ мос келадиган”⁹ оригинал грамматик ва ўзига хос тушунчалар тизимиға эгалиги ҳамда уларга тўғри келадиган маҳсус терминологиянинг ишлаб чиқилганигидадир.

Араблар ишлаб чиқкан усул “XI асрда қадим яхудий тилининг грамматикасини тузишида ҳам қўлланилган”¹⁰. Кейинчалик (XVI асрда) араб тилшунослиги Европа арабшунослигига катта таъсир кўрсатди. Араб грамматикаси Европа тилларидағи каби фонема, морфема, сўз ва синтаксис бўлимларига эга. Аммо улар алоҳида бўлимларда эмас, балки ўзаро уйғунликда баён этилган.

Араб тилшунослиги бўйича энг оригинал асарлар VIII–XIII асрларда ишлаб чиқилган.

⁶ Симашко Т. В. История лингвистических учений: античность, средневековье. – Архангельск: ГУ им. М. В. Ломоносова, 2001.

⁷ Гиргас В. Очеркъ грамматической системы арабовъ. – СПб., 1873. – С. 14.

⁸ Гиргас В. Очеркъ грамматической системы арабовъ. – СПб., 1873. – С. 3.

⁹ Ахвlediani B. G. Арабское языкоzнание средних веков. История лингвистических учений. Средневековый восток. – Ленинград, 1981. – С. 63.

¹⁰ Габучан Г. Арабская языковедческая традиция // Лингвистический энциклопедический словарь. – М., 1990. – С. 40.

VIII асрнинг биринчи ярмида Ибн Аби Исҳоқ Хадроний, Абу Амр Исо Умар Сақоғий, Абу Амр Алла классик араб тили нормаларининг тавсифий-таҳлилий асосини ишлаб чиқдилар. VIII асрнинг иккинчи ярмида араб тили назарияси филология фанларининг мустақил бўлими сифатида шакллантирилди¹¹.

Араб тилшунослиги масалалари ва услубларининг шаклланишида басралих Халил ибн Аҳмад Фараҳидийнинг (718/791) ўрни катта. Унинг грамматикага оид қарашлари шогирдларининг асарларида келтирилган.

Фараҳидий аруз¹² назариясига ҳам асос солган. “Китабу-л-айн” луғати унинг қаламига тегишлидир. Бу китобда сўзлар алифбо тартибида эмас, сўзлардаги ўзак ундошнинг артикуляция хусусиятига кўра, ҳалқум, тил, тиш ва лаб кетма-кетлигига берилган. Эҳтимол, шу сабабли араблар ҳинд (Панини) грамматикаси таъсирида бўлганлар, деган фикр шакллангандир. Шунингдек, у фонетиканинг учта аспектини белгилаб берган, булар келиб чиқиши (исходный), ҳосил бўлиш ўрнига кўра турлари (позиционные варианты) ва грамматик таркибларда содир бўладиган товуш ўзгариши. Халил ибн Аҳмад қисқа унлиларнинг белги билан ифодаланадиган тизимини ҳам мукаммалаштириди ва араб тили ёзувига ҳаракатларни киритди.

Айнан шу даврда Куфа мактаби асосчиси Абу Жаъфар Мұхаммад Руасий эса араб тилининг биринчи Куфа грамматикасини тузди. “Бирлик ва қўплик сони ҳақида китоб” унинг меҳнат маҳсулидир.

Басра мактаби вакили Сибавайҳи бизгача етиб келган “Китоб” номли грамматик асарида тил нормаларини тизимли равишда VIII асрнинг иккинчи ярмида биринчи бўлиб баён этган¹³. Бу борада Сибавайҳи Халил ибн Аҳмаднинг изланишларига кўпроқ таянгани қўриниб туради. Асарда мавжуд бўлган кўплаб изоҳлар аввалги филологларнинг изланишлари натижалари ва концепцияларини акс эттиради, яъни араб тилшунослигига грамматик таҳлилининг асосий бўлимлари намоён бўлади:

- синтаксис – исмий ва феълий сўзларнинг ўзаро муносабати;
- морфология – сўз ясаш ва грамматик қурилмаларни ясаш жараёнида вужудга келадиган фонетик ўзгаришлар;
- фонетика – тажвид.

Сўз ясаш бўлимини баён этишда кўпроқ аруз назариясида ишлаб чиқилган вазнга солиш методи кенг қўлланилган. Айнан шу амалиёт сўз ясовчи феъл боблари тизимини келтириб чиқарган.

¹¹ Белова А. Г. История арабского языка. – М.: Наука, 1979. – С. 218.

¹² Аруз илми – бу метрик назм қурилиши системасига оид таълим. Бу соҳада нафақат шеърий нутқ, балки ритмик ва морфологик факторлар шаклланган.

¹³ Гиргаснинг таъкидига кўра, Куфа мактаби вакили Фарҳадий ҳам араб грамматикасини баён этишнинг худди шундай усулини танлаган. Аммо у фонетика бўлимини тушириб қолдирган ва сарф чегарасини нахъ томон кенгайтирган. Шу боис қуфаликлар грамматиканинг асосий бирлиги предиктив бирикмадир, деб ҳисоблайдилар, басраликлар эса грамматик бирлик дегандা сўзни тушунадилар.

Бу уч бўлим бир-биридан аниқ чегараланган, дейиш доимо тўғри бўлавермайди. Улар орасида умум чегарага эга бўлган грамматик ҳодисалар ҳам мавжуддир. Масалан, масдар масаласи синтаксис бўлимида ҳам морфология бўлимида ҳам ўрганилади. Аммо асосий вазифасига кўра бўлимлар ажралиб туради. Феъл бобларини ясаш морфология бўлимида, сўз туркумлари ва жумла масаласи синтаксис бўлимида ўрганилади.

Араб грамматикасига оид синтаксис, морфология ва фонетика тушунчаси тил тизимининг асосини ташкил қиласди. Аммо тил тизимини баён этиш турли усулда бўлиши мумкин. Сибавайҳи ўз “Китоб”ида араб грамматикасини синтаксис, морфология ва фонетика бўлимлари кетма-кетлигига тузган. У мазкур асарида жонли нутқ (Куръон ҳофизлари, уламолар ва араб шоирларининг нутқларига кўплаб иқтибослар келтирилган), қиёслаш (грамматик ҳодисаларни аввалги тадқиқотларга қиёслаб баён этиш) ва омилларнинг таъсири (маълум категориялар таъсирида грамматик ўзгаришларга сабаб) каби услублардан фойдаланган.

Шу ўринда таъкидлаш жоизки, кейинчалик тилшунослар мазкур учта бўлимни ажратиб, ҳар бирини алоҳида ўз асарларида тадқиқ қилганлар.

Фонетика грамматиканинг бир бўлими сифатида ўрганилиши билан бир қаторда унга ҳам алоҳида асарлар бағишлиланган. Мазкур асарларда турли фонетик ўринларда келган фонетик бирликларнинг турлари алоҳида ўрганилади. Унда Куръон ва энг яхши назм намуналарида диалект таъсирида қўлланиладиган, аммо классик матнларга хос бўлмаган фонетик бирликларнинг турлари кузатилади¹⁴. Бу мавзуни ҳам Ибн Жинний (XII асрда) батафсил тадқиқ қилган.

Араб тилшунослари товушлар артикуляциясининг мукаммал таснифини ишлаб чиқдилар. Ўрта аср олими Ибн Синонинг бу борадаги таснифи энг на-муналиси ҳисобланади. Ибн Сино келиб чиқиши жойига кўра тўққизта группага бўлган ҳолда араб тили ундошларининг артикуляциясини тавсифлаган. Унинг тадқиқотида ҳар бир товушнинг ўзига хослиги белгилаб қўйилган, бу эса ўхшаш товушларни фарқлашда қўл келади. Унинг асаридан мисол келтирсак: [д] : [т] = [з] : [с].

Араб тилшунослари товушларни тавсифлашда ҳаво оқимидағи тўсиқлар, тилнинг танглайга қадар кўтарилиши, резонаторлар (томоқ, оғиз бўшлиғи ва бурун) каби хусусиятларга эътибор берганлар. Шу билан бир қаторда узун ва қисқа унлилар, товушларни ҳосил қилишда оғизни очиш кенглиги ва лаблар иштироки каби белгилар эътиборга олинган. Бу эса араб тилшунослари

¹⁴ Симашко Т. В. История лингвистических учений: античность, средневековье. –Архангельск: ГУ им. М. В. Ломоносова, 2001.

фонетика борасида Европа тадқиқотчилариға нисбатан юқори натижаларга еришганини кўрсатади¹⁵.

VIII аср охирларида яшаб ижод қилган филолог Кисойнинг фаолиятини алоҳида таъкидлаш жоиз. Бу олимнинг диалектологияга доир маълумотларни ўзида мужассамлаштирган ва бизгача етиб келган “Оддий халқ нутқидаги хатоликлар ҳақида рисола”сини эътироф этиш лозим.

VIII аср охири – IX аср бошларида кўплаб басра ва қуфалик филологлар “Китоб”нинг шарҳи билан шуғулланадилар. Бу борада ал-Мубарраднинг, Абу Закариё Фарронинг ижоди яққол мисолдир.

Шуни айтиш жоизки, араблар синтаксис, морфология, фонетика каби грамматика бўлимларини алоҳида батафсил ўрганиш билан бир қаторда ўз даврига нисбатан тилнинг лексик таркибини жуда чукур ўрганганлар. Айниқса, адабий тил билан бирга диалектдаги сўзларни ҳам таҳлил ва тадқиқ қилиб бўлганлари эътирофга сазовордир¹⁶. Уларнинг мақсадли олиб борган бу тадқиқотлари антик давр тилшунослиги ва ундан кейинги юзаки ўрганилган ўрта аср Европа тадқиқотларидан ажralиб туради. Араблар сўзларнинг кўчма ва тўғри маънолари ҳақида китобат қилишарди, унда сўзларнинг синоним ва омонимларини ҳамда қотиб қолган ибораларларни ўрганишарди.

X асрда халифалик тугатилиб, маълумки, бунинг оқибатида маданий дезинтеграция¹⁷ жараёни келиб чиқди. Бу ҳодисалар мусулмон ўлкаларда араб адабий тилининг ягоналигига путур етказиб, унинг қўлланилиш доирасини торайтиргандек эди. Аммо араб тилини илм ва диннинг тили сифатида ўрганишни, ҳатто араб бўлмаган халқлар ҳам давом эттиридилар. Бундан ташқари, араб адабий тили бадиий соҳада – шеъриятда ҳам кенг қўлланила бошланди.

Шунингдек, кейинги асрларда араб ва турли халқ вакиллари томонидан амалга оширилган тадқиқотлар араб тилини ўрганиш давом этаётганлигига мисол бўла олади .

Мазкур даврда араб грамматик назариялари бир тизимга солиниб, атамалар шаклланиб бўлганда, лексикологик тадқиқотлар юзага кела бошлади. Ибн Жинний ва Ибн Форисларнинг фаолияти бунга мисолдир.

Сўзларнинг лексик таркибини таҳлил қилишда араблар исломгача бўлган эскирган сўзларни ва исломдан кейин вужудга келган янги сўзларни аниқладилар. Шунингдек, ўзлашмаларга ҳам эътибор берганлигини айтиш даркор.

Грамматик мавзулар тадқиқи билан бир қаторда кўплаб изоҳли луғатлар, синонимлар ва кам учрайдиган ҳамда ўзлашма сўзларнинг луғати, шунингдек,

¹⁵ Там же.

¹⁶ Там же.

¹⁷ Бутун таркибининг бўлакларга бўлиниши, заифлашиши, ягона тизимда алоқаларнинг бузилиши.

таржима лугатлари тузилди. Бу амалиёт ўрта аср ва кейинги асрларда хам давом этди¹⁸.

XI асрда қироат (ифодали нутқ) нормаларини ўрганувчи илм ривожланди. Фасоҳат¹⁹ ва балоғат²⁰ каби нутқ жараёнининг аспектлари ишлаб чиқилди. Фасоҳат грамматика ва лексика ҳақидаги илм бўлса, балоғат эса маъно, баён этиш, чиройли ифодалаш ҳақидадир. Балоғат илмининг асосчиларидан бири Журжоний ҳисобланади.

Араб тили грамматикасининг баён этилишига қайтадиган бўлсак, унинг яна бир усули айни Абдул Қоҳир Журжоний томонидан тузилган. Ушбу усулни унинг “Авамиу-л-миа” асарида кўришимиз мумкин. Мазкур асар сўзларга таъсир этувчи грамматик омилларнинг таҳлили натижалари асосида тузилган. Бу асар грамматикани ёритишда бирёқлама ёндашувга эга, аммо у араб тили моҳиятини тушунишда ўзининг қулайлиги билан ажратиб туради²¹. Журжонийнинг бу усулини кейинчалик қўплаб тилшунослар қўлладилар.

XI–XII асрларда яшаб ижод қилган нахвчи олим Маҳмуд Замахшарий томонидан яна бир оригинал ва аввал баён этилмаган усул яратилди ва у “Муфассал” фундаментал асарида ўз ифодасини топган. У грамматикани исм, феъл ва ёрдамчи сўзлар ҳамда уларнинг ҳар бирига тааллуқли бўлган фонетика каби бўлимларга бўлиб баён этган. Шунингдек, бу асар аввалги тадқиқотларнинг ҳеч бирида қўлланилмаган кириш сўзи билан бошланган. Замахшарий бу муқаддимада грамматика тавсифида нега бу услубни танлагани ва бу услубнинг моҳияти ҳақида маълумот беради.

Замахшарий китобнинг яратилиши ҳақида шундай дейди: “Менга эъроб ҳақида мукаммал ва батафсил китоб ёзишни буоришди²². Араб тилини ўрганишда мусулмонларда шундай китобга эҳтиёж сезилаётган эди. Мен мусулмон биродарларим – адабиёт қулларига ёрдам тариқасида “Муфассал фи санъати-л-иъроб” (“Эъроб санъатида батафсил”) китобини туздим”²³. Шунингдек, бу китобда ёритилган услугуб ҳақида хам муқаддимада қуйидагича таъкидлаб ўтган: “Муфассал фи санъати-л-иъроб” китобини тўрт бўлимга ажратиб туздим, улар – исм, феъл, юкламалар ва муштарак (умумий)”²⁴.

¹⁸ Бу борада Маҳмуд Қошгариининг “Девон” номли икки тиллик турк-араб лугати таҳсинга сазовордир. Тадқиқотчиларнинг фикрига кўра, Маҳмуд Қошгари тилни инсонлар ўргасидаги мумомала воситаси сифатида тушунган, унга халқ турмушининг инъикоси сифатида қараб, бир оиласа мансуб бўлмаган тилларнинг ўзига хослигини эътиборга олган ҳолда туркий, арабий ва форсий тилларнинг махсус грамматик белгиларини аниқлаган ҳамда икки тилнинг бир-бирига ўзлашмаларини тўғри баҳолай олган.

¹⁹ Тил ифодасининг тўғрилигини таъминлаш.

²⁰ Нутқда мукаммалликка эришиш.

²¹ Гранде Б. М. Курс арабской грамматики в сравнительно-историческом освещении. – М., 2005. – С. 19.

²² Бу ерда эъроб термини араб тили грамматикасидаги энг асосий тушунча бўлгани учун олинган.

²³ Замахшарий. Китоб ал-Муфассал. – Қоҳира, 1905. 5-б.

²⁴ Ўша жойда.

Кўриниб турибдики, бу асарда баён қилинган грамматика Сибавайҳи “Китоб”идан фарқланади, аммо охирги тўртинчи бўлимда Замахшарий Сибавайҳи каби аввалги бўлимларга хос фонетикани ифодалаган. Юқорида таъкидлаганимиздек, Сибавайҳи фонетика масалаларини ёритишда грамматик масалаларни ўзи тақдим этган (исм, феъл, харф) кетма-кетликда келтирган²⁵. Замахшарий “Муфассал”да фонетик масалаларни қандай ёритганини тадқиқотимизнинг иккинчи бобида ўрганамиз.

Мазкур даврда араб тилидаги ўзлашмаларга оид Маухиб Жаволикийнинг “Чет тилидаги сўзларнинг изоҳи”, Ас-Саълабнинг “Араб тилидаги лексика ва ўзига хосликларни тушуниш” лугатлари араб тили грамматикаси ва лексикасини бойитганлигини айтиб ўтиш керак.

Айнан шу даврда Андалусия мактаби вакиллари фаолликни қўлга олдилар. Назмда тузилган Ибн Моликнинг “Алфия”²⁶ грамматик асари, Ибн Сиданинг “ал-Мухассас” тематик луғати яратилди. Грамматикага оид “Алфия” асари Сибавайҳи услубини такрорлаган.

Мўғуллар босқинидан сўнг араб тилшунослигини ўрганишга Миср ва Сурия олимлари киришдилар. XIII асрда Ибн Яъиши, Ибн Ҳожиб, XIV асрда Ибн Ҳишом, Ибн Оқил, XV асрда Суютий каби тилшунослар бу борада катта изланишларни амалга оширдилар.

Мазкур мактаб вакиллари ўзларидан олдинги даврда фаолият кўрсатган иирик филологларнинг тадқиқотларини шарҳлаш ёки тил нормаларини қўллашга қулай тарзда ифодалаш билан шуғулланганлар. Албатта бу катта ва мукаммал илмни талаб қилган.

Шуни таъкидлаш жоизки, грамматикани ёритишнинг усуллари турли бўлса-да, синтаксис ва морфология чегаралари эгилувчан бўлиб, уларнинг асарларида кетма-кетлик сақланиб қолганини кўрамиз.

Иzlанишларимиз давомида шуни аниқладикки, грамматикани ёритишнинг янги усуллари ишлаб чиқилиб, бу усуллар қайтадан бошқа асарларда озгина ўзгариш билан такрорланганига қарамай, араб тили грамматикасининг ривожига ва такомиллашишига ёрдам бергани аниқ. Мисол тариқасида, Сибавайҳининг “Китоб”ида нахв, сарф ва жумла каби терминлар келтирилмаган²⁷. Бу терминлар кейинги тадқиқотчилар томонидан шакллантирилган.

Демак, Сибавайҳи асарида араб тили грамматикасининг тизими тўлиқ акс этирилган бўлса-да, кейинчалик ишлаб чиқилган янги усуллар араб тили грамматикасини, хусусан, терминларни янада мукаммаллаштиришга олиб келган.

²⁵ Сибавайҳи грамматикага оид мавзуларни қўйидаги тарзда, яъни аввал нахв, кейин нахв ва сарфга умумий бўлган ҳодисалар, сўнгра эса сарфга оид масалаларни баён этган.

²⁶ Бу асар Сибавайҳи қўллаган усулда тузилган.

²⁷ Гиргас В.Ф. Очеркъ грамматической системы арабовъ. –СПб., 1873. –С. 34–35; Фролов Д.В. Арабская филология. – М., 2006. – С. 19.